

# Шартнома № 23

« 21 » Июль 2022 йил

Янгибозор тумани.

«Фируза Газ» маъсуляти чекланган жамияти (кейинги бандларда «Газ тулдирувчи»), номидан жамият низомига асосан иш юритувчи директор Атаджанов И.Х. бир томондан Янгибозор тумани Янгибозор Бир. Бир. (кейинги бандларда «Истеъмолчи») номидан, корхона низомига асосан раҳбари М. Валиева иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар.

## 1. Шартнома мазмуни.

1.1. «Газ тулдирувчи», «Истеъмолчи» нинг автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тулдиришни, «Истеъмолчи» эса уз вақтида ҳисоб-китоб қилишни уз зиммасига оладилар.

1.2. Махсулот номи ва унинг ҳажми :

Махсулот номи	Улчов бирлиги	Жами 2022 йилда	1-чорак 2022 йил	2-чорак 2022 йил	3-чорак 2022 йил	4-чорак 2022 йил
Газ баллонли автомобил учун сиқилган табиий газ	м <sup>3</sup>	1333	1333	-	-	-

1.3. «Истеъмолчи» автотранспорти сиқилган табиий газ билан тулдирилган кун газ тулдирилган сана ҳисобланади.

## 2. Ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 3599100 (Ҳ/2 миллион беш юз тўқсон тўқуз миң Бир юз =) сумни ташкил қилади.

2.2. Сиқилган табиий газ 1м.куб. баҳоси ККС билан 2700 (Икки минг етти юз) сум булиб, хом-ашёлар, моддий бойликлар, ёқилги энергетика ресурслари баҳоси узгарганда ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қарорлари ва норматив актларига асосан узгартириш ва қушимчалар «қушимча қелишув» асосида киритилади.

2.3. «Истеъмолчи» автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тулдириш учун «Газ тулдирувчи» нинг банкдаги ҳисоб рақамига бир ойлик газни истеъмол қилиш нормасининг 30 % миқдоридеги тулов утқазилгандан кейин, белгиланган шаклдаги таркатма жадвал (раздаточная ведомость) буйича амалга оширилади.

## 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. «Истеъмолчи» ГБУ (газбаллонли ускуна ГБО) билан жихозланган автотранспортларининг техник ҳолати ва техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлигига, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари :

а) ГБУ урнатилган автотранспортларни ва сиқилган табиий газдан фойдаланиш тугрисидаги амалдаги тартиблар, техник ҳолатлар, курсатма ва қарорларини бажариш.

б) ГБУ ни ва автотранспортларини техник соз ҳолатда саклаш.

в) Йул варақасида автотранспортнинг техник созлиги хақида белги қуйиш, баллонлар сони ва геометрик ҳажми тугрисида маълумотларни курсатиш.

г) Автотранспортни сиқилган табиий газ билан тулдириш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш

д) Баллонларнинг умумий сони ва геометрик ҳажми (+,-) 0,5 аниқликда автотранспорт техпаспортида (маҳсус вкладыш) ёзиб қуйиш.

3.3. «Газ тулдирувчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган табиий газ билан таъминлаш ва қабул қилишни ой давомида бир маромда, бир кунлик уртача газ ҳажми миқдоридеги амалга оширадилар.

«Истеъмолчи» сиқилган табиий газни қабул қилиш буйича барча узғаришлар тугрисида «Газ тулдирувчи»ни олдиндан 15 кундан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефонограмма орқали огоҳлантириши шарт.

«Газ тулдирувчи» АГТҚШ да жорий ва капитал таъмирлаш ишлари бошланган тақдирда «Истеъмолчи»ни 3 кун олдин, ишга тушишдан 15 кун олдин огоҳлантиради.

3.4. «Газ тулдирувчи» нинг мажбуриятлари :

а) газ ускуналаридан тугри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-улчов асбобларини ва газни очиш-ёпиш арматуралари созлигини текширади.

б) «Истеъмолчи» («Истеъмочи» вакили) томонидан белгиланган қоидалар, газ тулдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда автотранспортга сиқилган газ тулдириш тухтатилади.

## 4. Сиқилган табиий газ ҳисоб-китоб тартиби.

4.1. «Газ тулдирувчи» томонидан «Истеъмолчи» автотранспорти тулдирилган сиқилган табиий газ ҳажми «Газ тулдирувчи»нинг улчов асбоблари орқали аниқланади. «Ўзнефтегаз» МХК томонидан 28.11.1995 йилда тасдиқланган 51-034-94 «методики выполнения измерений расчета объема отпускаемого газа на АГНКС Рес. Уз.» Давстандартда тасдиқланган (рег. 418 I 13.01.1995.г.) ва АГТҚШ да автотранспортларни сиқилган табиий газ билин тулдиришда ҳажми аниқлаш жадвали».



## 5.Томонларнинг жавобгарлиги.

- 5.1. Сиқилган табиий газни қабул қилиш мазкур шартномада курсатилган ҳажмдан ошган тақдирда қушимча шартнома тузилади.
- 5.2. Сиқилган табиий газ учун туловларни амалга ошириш мақсадида «Истеъмолчи» мол-мулкини гаровга қуйиш, қафиллик мажбуриятлари, «Истеъмолчи» қарзи эвазига мол-мулки билан ҳисоблашиши нотариус томонидан тасдиқланган қушимча шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.
- 5.3 Ушбу шартнома шартларини бажармаслик ҳолларида тарафлар Ўзбекистон Республикаси «Фуқоралик кодекси» ва «Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунида белгиланган тартибда жавобгардирлар.

## 6.Форс мажор

- 6.1. «Газ тулдирувчи» ва истеъмолчи қуйидаги ҳолатларда газ тулдириш ва қабул қилиш ҳажмини қамайтирганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди:
- а) Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар) жумласидандир.
- б) газ казиб чиқариш конларида, магистрал газ қувурларида, шахар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида қутилмаган авария ҳолатлари содир булганда
- в) магистралгаз қувурларида, шахар, туман газ ва электр тармоқларида навбатдаги жорий ва капитал таъмирлаш ишлари, синовлар ва пайвандлаш ишлари даврида.

## 7. Низони ҳал қилиш тартиби

- 7.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 7.2. Шартномада қузда тутилмаган ҳолатлар бўйича саволларни томонлар амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 30.01.1999 йилда руйхатга олинган № 613-сонли «Автомобилларга таркатма жадваллар бўйича суюлтирилган ва сиқилган табиий газ тулдириш», «Магистрал газ қувурлари орқали истеъмолчиларга газ етказиб бериш тартиби» ҳужжатлари ёрдамида ҳал қилиш мумкин.
- 7.3. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

## 8. Бошқа ҳолатлар

- 8.1. Ушбу шартнома, иккала тараф учун бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва томонларга бир хил нусхада қолдирилади.
- 8.2. Ушбу шартномада, қўзда тутилмаган ҳолатлар, амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.


## 9. Шартнома муддати

- 9.1. Шартнома амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.
- 9.2. Шартнома икки нусхада тузилиб газначилиқда руйхатга олингандан кейин қонуний қучга эга булади

## 10.Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари ва реквизитлари :

«Газ тулдирувчи»

«Истеъмолчи»

«Фирюза Газ» МЧЖ	
Манзил : Янгибозор туман Фидокор қучаси	Манзил : YANGIBOZOR TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI Yangibozor sh. Naybahor ko'chasi 81-uy
X/P : 20208000004821429001	X/P : Tel: 62-41-940-85 SH X/R: 100022860330367023101054001
Банк : АТБ «Хамкорбанк» Урганч филиали	Банк : SH.X/R:
МФО : 01020	МФО : STIR: 201018832 XXTUT: 91511
ИНН : 301427409	ИНН : BANK: TOGHKENT SH. MARKAZIY BANK HKKM
ОКОНХ : 71211	ОКОНХ : MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI G'azna X/R: 23402000300100001010
Тел: 998956024248 Тел: 998977906880	ОКОНХ : IFO: 00014 STIR: 201122919
	Тел :
	ШХР
Рахбар :  Атаджанов.И.Х.	Рахбар : 





Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va "Firuza Gaz" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida tuzilgan "Maxsulot etkazib berish haqida"gi shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan

## XULOSA

2022 yil 21 yanvar'

Yangibozor tumani

Men, Yangibozor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i N.Nurjonov, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va "Firuza Gaz" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida 2022 yil 21 yanvar' kuni tuzilgan "Maxsulot etkazib berish haqida"gi № 23-sonli shartnoma loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim.

Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan "Maxsulot etkazib berish haqida"gi № 23-sonli mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998 yil 29 avgustdagi Qonunining 10, 20, 21 moddolari va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 386-424-moddalari normalari bilan tartibga solingan.

Shartnomaning umumiy summasi jami 3 599 100 (uch million besh yuz to'qson to'qqiz ming bir yuz) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi boshlig'i KTMP mudiri v.b M.Vaisova va "Firuza Gaz" ma'suliyati cheklangan jamiyati rahbari I.Atadjanovlarga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Shartnomani imzolashda xo'jalik shartnomalarini tuzishning erkinligi, taraflarning o'zaro manfaatdorligi, shartnoma intizomiga rioya etish, taraflarning o'zaro mulkiy javobgarligi printsplariga to'liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatlari aniq ko'rsatib o'tilgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-5168-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan;

## XULOSA QILINDI:

Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va "Firuza Gaz" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida 2022 yil 21 yanvar' kuni tuzilgan "Maxsulot etkazib berish haqida"gi № 23-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

Yangibozor tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i



Nurjonov